

Ёлғоннинг хатари | Сийрат дарслари (247-дарс)



19:00 / 15.09.2023 3360

276. Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бири обид, бошқаси олим икки киши зикр қилинди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Олимнинг обиддан афзаллиги худди менинг энг кичигингиздан афзаллигимга ўхшайди»**, дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ, Унинг фаришталари, осмонлару ернинг аҳли, ҳаттоки уясидаги чумоли ва балиқ ҳам одамларга яхшиликни ўргатувчига салавот айтадилар»**, дедилар».

Термизий ривоят қилган.

277. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга амр қилдилар ва мен у киши учун яҳудийларнинг ёзувини – бошқа ривоятда: сурёнчани – ўргандим. Шунда у зот: **«Мен яҳудларга мактубимни ишонмайман»**, дедилар. Мен ярим ой ўтмай у тилни яхшилаб ўрганиб олдим. У зот уларга мактуб ёзсалар, мен ёзар эдим. Улар у зотга ёзишса, мен ўқиб берар эдим».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

278. Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Менга нисбатан ёлғон тўқиманглар. Ким менга нисбатан ёлғон тўқиса, албатта дўзахга киради»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

279. Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким номимдан ёлғонлиги кўриниб турган ҳадисни айтса, у ёлғончиларнинг биридир»**.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.